




POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

2010-yil

Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24

Апрел

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №15(3856)

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманд этиш, ўғил-қизларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказишда бобомиз Амир Темурунинг ҳаётий ўғитлари муҳим ўрин тутди. Соҳибқирон таваллудининг 674 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Анъанага қўра пойтахтимизнинг Амир Темуру номи билан аталувчи ҳамда бугунги кунда янада кўркам ва фусункор қиёфа касб этган хиёбон 9 апрель куни эрталабданоқ вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган элчи-хоналар вакиллари, олимлар, ижодкор зиёлилар, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темуру жам-

гармаси раиси Мухаммад Али, Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Руперт Жой, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юрт келажаги бўлган ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, эзгу орзу-интилошларини рўйбга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган янги-гиланиш ва ўзгаришлар жараёнида маънавий-маъри-

фий ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунда миллий ўзлиқни англаш, умрбоқий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, янада раванқ топтириш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб этиш орқали ёшлар тафаккурини, маънавиятини бойитиш билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутди.

Соҳибқирон Амир Темуру улуғлаган, ўзининг ҳаёт мазмунига айланган эзгу гоя ва тамойиллар бугунги кунда юртимизда тадрижий, чуқур илмий асосланган, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотларга ҳамроҳланган экани билан ҳам аҳамиятлидир. Миллий давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг қарор топиши, барқарор тараққиётни таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар қалби ва онгига ватанпарварлик, фидойилик, Ватан келажаги учун дахлдорлик, маънавий бедорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик туйғулари чуқур сингдириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, маънавий-маърифий соҳаларни изчил ривожлантириш борасидаги ибратли ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мардлик ва жасорат, саховат ва муруват тимсоли бўлган Амир Темуру ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни ва аҳамияти дунёда кенг ўрганилмоқда. Бу Амир Темуру гояларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб экани баробарида Ватанимиз тарихи, бетакрор маданиятимиз, маънавиятимизга бўлган қизиқишнинг халқаро миқёсда ортиб бораётганидан далolatдир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темуру ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Хушхабар

Қорасув даҳаси пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган бўлиб, баҳаво, хушманзара, сўлим гўшаларидан бири. Бу ерда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси худудида амалга оширилган ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларининг ўзидек даҳа ҳавосининг мусаффолиги ва ёқимли бўлишини таъминлайди, десак муболаға бўлмайди. Кўкка бўй чўзган арчазораро йўлакларда сайр қилишнинг ўзи кишига тетиклик, хуш кайфият бағишлайди.

Яқинда ушбу олий таълим даргоҳида фойдаланишга топширилган «Академия меҳмонхонаси» мажмуаси мазкур худудга узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Унинг очилиш маросимида Ички ишлар вазири раҳбарияти, бош бошқарма, бошқарма, вазирилик тасарруфидоғи олий таълим муассасалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, меҳнат фахрийлари, қорхона, ташкилотларнинг мутасаддилари ва қурувчи-бунёдкорлар қатнашдилар.

Тадбирни ИИБ Академияси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Т. Саитбаев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида бутун жаҳонда молиявий-иқтисодий инкироз кечаётганига қарамай, юртимизда бунёдкорлик ишларининг жадал суръатда давом этаётгани, бу билан юзлаб, минглаб аҳолига иш ўринлари яратиб берилаётганини мамнуният билан қайд этаркан, мазкур меҳмонхона мажмуасининг очилиши ана шу гамхурликнинг яна бир ифодаси эканлигини таъкидлади.

Нотиж мазкур меҳмонхона ИИБ Академиясига хизмат сифатига, ўқишга, малака оши-

ОБОД МАСКАННИНГ КЎРКАМ БИНОСИ



ришга келган ички ишлар идоралари ходимларига ҳамда тингловчи ва курсантларнинг ота-оналари, ақинларига қўлайлик туғдириш мақсадида барпо қилинган эътироф этди. Шунингдек, иншоот қурилишига бош-қош бўлган вазирилик раҳбарияти, Академия шахсий таркиби ва қурувчиларга миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев халқимизнинг қадимий юрлаб, минглаб аҳолига иш ўринлари давом этаётган шуқуҳли кунларда ишга туширилаётган мазкур меҳмонхона мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, раванқини ошириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлиб, эзгу мақсадларга хизмат қилишини қайд этди.

Тантанали маросимда ИИБ Академияси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодоғи полковник Э. Арифжанов меҳмонхона қурилишининг аҳамияти ва яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўққинлаб гапирди. Академия меҳмонхонасининг бунёд этилишида яқиндан ёрдам берган ИИБ раҳбариятига барча фахрийлар номидан миннатдорчилик билдирди.

Кўркам мажмуанинг бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшган «ANDINO STROY» қурилиш фирмаси бош директори А. Запорожиченко бинонинг қурилиши, яратилган шарт-шароитлар, амалга оширилган ободончилик ишлари ҳақида тўққинлаб, меҳмонхона фақат эзгу ниятларга хизмат қилишини тилади ва мажмуанинг раамий калитини вазирилик раҳбариятига тантанали равишда топширди.

раманд бўлишлари мумкин, – дейди ИИБ Академияси моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор Суннат Махамедов. – Шу мақсадда халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқаси, алоҳида ажратилган алоқа тармоғи бўйича интернет хизмати, ёпиқ сузиш ҳавзаси, сауна, бар, фитнес маркази, тренажёр зали, теннис корти ва бошқа сервис хизматлари йўлга қўйилган. Бир, икки, уч ўринли, оилавий ва люкс хоналар, апартаментлар меҳмонлар хизматида. Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси, дорихона ҳам мавжуд. Меҳмонхонадаги ресторанда эса миллий ва европа таомларидан баҳраманд бўлиш, тантана ва маросимларни ўтказиш ҳам мумкин. Шахсий автомобилларидан келиб-кетувчилар ўз автомобиллари хавфсизлигидан хавотир олмасалар ҳам бўлади, чунки кечаю кундуз қўриқланадиган автотурагоҳлар улар хизматида.

– Ушбу меҳмонхона замон



талабларига тўла жавоб беради, – дейди мамнуният билан ИИБ Академияси юрист-консулти, капитан Дибрбек Сатторов. – Меҳмонхона мажмуаси том маънода шарқона меҳмондўстлик рамзи бўлиб, инфратузилмасида тадбиркорликни ривожлантириш, чунончи, қандолатчилик, хунармандлик ва бошқа халқ амалий санъати фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Агар эътибор берган бўлсангиз, меҳмонхона олдидаги фавворалар тунги мусиқали-рангли чироқлар билан жижизланган бўлиб, бу ҳам ташриф буюрувчиларга завқ-шавқ бағишлаши шубҳасиз. Меҳмонхона майдонига ўтказилган 300 туп манзарали дарахтлар, анвойи гуллар бинонинг янада кўркам ва муҳташам кўринишини таъминлайди. Яна бир муҳим жиҳати бу бинода етмишдан ортиқ фуқароларимиз муқим иш жойига эга бўлади. Бу албатта, кишини кувонтиради.

Бинони кўздан кечирган меҳмонлар кўрганлари эшитганларига мос эканлигини эътироф этишди. Қўтиш заллари, хоналарнинг, хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ҳар бири ўзига хос ва бетакрор, бежирим безатилган, замонавий қурилиш ашёларидан моҳирона фойдаланиб, шарқ меъморчилиги анъаналари давом эттирилгани, унинг шарқона меҳмондўстлик тимсолига айланишига шубҳа қолдирмайди.

Муҳташам иншоот ҳақидаги илиқ суҳбатлар мажмуанинг тантанали очилиши муносабати билан меҳмонларга ёзилган дастурхон устида давом этди. Таниқли хонанда ва созанда-ларнинг куй-кўшиқлари тадбирга ўзгача шуқуҳ ва файз бағишлади.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Суратларда: меҳмонхона биносининг кўриниши. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Ғалла – ризқ-рўзимиз

ЭКИНЛАР ПАЙҲОН БЎЛМАСИН!

Баҳор серёгин келиши қашқадарёлик миришкорларнинг обикор ва лалмикор майдонларга қадаган ғалла уруғи беҳато униб, баравж ривожланишига замин яратмоқда. Ички ишлар ходимлари майсалар пайҳон бўлиши ва дала-ларга чорва моллари қиришининг олдини олиш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, фермер хўжалиқлари уюшмалари раислари, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширишяпти.

Айни пайтда мавжуд ғалла майдонларини доимий назорат қилиш учун 780дан ортиқ кузатув масканлари ташкил этилган. Жойларда пайҳон ва нобудгарчиликнинг олдини олиш мақсадида 2620 нафарга ақин дала қорувуллари фаолият юритмоқда. Улар вилоят ИИБда тузилган ишчи гуруҳи томонидан мунтазам назорат қилиб борилаёпти. Автоматиналар юриши қийин худудлар учун фермерлар ва мутасадди хўжалиқлар отлар ажратган.

Профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва фаоллар ҳамкорликда олиб бораётган сай-ҳаракатлар туфайли ҳозиргача вилоятда 48 та пайҳон ҳолати аниқланди. Жумладан, шу йил 16 февраль куни Қасби тумани Хўжакарлик қишлоғида яшовчи Г. Пардаевага тегишли 3 бош кўй «Зувуров Анвар» фермер хўжалиғи даласига кириб, 0,01 сотих майдонни пайҳон қилган. Фуқародан етказилган зарар билан бирга 33875 сўм жарима ундирилди.

Ўтказилаётган тадбирлар давомида майсалар пайҳон бўлишига эътиборсизлик билан қараб, чорва молларини қаровсиз қолдираётган айрим шахсларга қонуний чора кўришдан ташқари кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилаёпти. Пайҳон билан боғлиқ ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича фуқаролар йиғинларида аҳоли муҳокамаси асосида чора қўрилаётгани унинг таъсир доирасини оширмоқда.

М. ХОЛМУРОДОВ,
капитан.

Қашқадарё вилояти.

Халқаро алоқалар

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА ЎТДИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Грузиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Георгий Кублашвили ва элчихонанинг биринчи котиби Георгий Лория ташриф буюрди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирин, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов қабул қилди.

тилгани таъкидлаб, милиция таъин пунктларининг асосий қисми маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашгани аниқса, ҳар жихатдан ҳамкорлик қилиш учун қўл келаятигани айтиб ўтди. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ҳақида меҳмонларга атрофлича тушунча бериб, уларнинг жойларда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда худудда тинчлик ва оқошталлини сақлаш борасида олиб бораётган ишлари республика раҳбарияти томонидан эътироф этилаётганини мамнуният билан қайд этди. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида иш олиб бораётган хотин-қизлар комиссиялари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ишлари юзасидан ҳам гапирди. Диний-экстремистик ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақидаги фикрларни меҳмонлар қизиқиб тингладилар. Б. Матлюбов аср вабоси аталмиш гўёвандлик моддаларининг ноқонуний айланishiга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга тўхталар экан, бу иллатнинг айниқ-

са, ёшлар орасида тарқалмаслиги учун ички ишлар идоралари томонидан зарур чоралар қўрилаётганини таъкидлади. Вазир меҳмонларга ИИВ тизимидаги олий таълим муассасалари, ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари, Академик курсларнинг фаолияти ва мазкур таълим даргоҳларида кадрлар тайёрлашнинг энг илғор усулларидан фойдаланилаётгани ҳақида ҳам маълумот берди. Пировадда Б. Матлюбов Ўзбекистон ва Грузия ички ишлар идораларининг ҳамкорлиги масаласига ҳам тўхтади.

Ўз навбатида олий мартабали меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги барқарорлини мустаҳкамлашда ички ишлар идораларининг ўрни алоҳида эътирофга лойиқ эканини таъкидлади. Элчи жаноблари ҳар икки мамлакат Ички ишлар вазирликлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиноятчиликларга қарши ҳамкорликда курашишдан умидвор эканлигини изҳор қилди.

Ўз мухбиримиз. Суратларда: қабул пайти. Ш. ҚАХҲОРОВ олган суратлар.

Мухим сана

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ АСОСИЙ ҚОМУСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 17 йил тўлди. 1993 йил 9 апрель куни Қорақалпоғистон Олий кенгашининг 12-сессиясида қабул қилинган асосий Қонуни — янги Конституция Қорақалпоғистон Республикаси тарихида улкан воқеа бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддасида «Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас» деб қайд этилган.

Маълумки, инсон ҳаётининг ҳар бир қадамида Конституциянинг аҳамияти жуда каттадир. Инсон шайни ва қадрининг улуғлигини фуқароларнинг эркин яшаб ижодий меҳнат қилишлари эътибор ва гамхўрлик қилиш ушбу Қонуннинг ҳар бир моддасида акс этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасида «Фуқаролар Қорақалпоғистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросларини авайлаб, асрашга мажбур» — дейилади. Ёш авлод ана шу қондани ўқир экан, Ватанга садоқат ва унинг ҳар бир гиёҳини, япрогини

авайлашга масъулиятни сезиши аниқ. Бугунги авлод «Қирқиз» достонини, Тўленберген Қайипбергеннинг «Қорақалпоқнома» китобини, Ибройим Юсуповнинг «Жайхун шамоллари» шеърини яхши биладилар ва мутолаа қиладилар. Олтин меросимиз бўлган бу асарлар билан бир қаторда Шилпикальа, Гулдурсин, Қўйқирилганқалъа, Аёзқалъа каби обидаларимизни қизиқиб ўрганмоқдалар.

Ўқлада яшаётган ҳар бир миллат учун Қорақалпоғистон Республикаси Мадҳиясини улуғловчи «Жайхун ёқасида ўсган байтерак»нинг ривожланиб кўкка бўй чўзиши маънавий озуқа бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Қурбанбика ЮНУСОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани ҳокимлиги маънавий-маърифий ишлар бўлими раҳбари.

Касаба уюшмаси ҳаётдан

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг сакинчи ҳисобот-сайлови бўлиб ўтди. Анжуманда республика ИИВ тизимларида фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшмалари ва касаба уюшмаси кўмитасидан сайланган делегатлар иштирок этдилар. ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Ханифа Жалилова кўмитанинг 2004 йил ноябрь ойидан 2010 йил март ойигача бўлган фаолияти бўйича ҳисобот берди. Маърузачи ўтган давр мобайнида Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси томонидан амалга оширилган ишларни кенг таҳлил этиб, асосий эътибор касаба уюшмаси аъзоларининг саломатликларини сақлаш, иш шaroитини яхшилаш, таътил даврларида санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклаш учун ёрдам беришга қаратилганини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, ишчи ва хизматчи-

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ АНЖУМАНИ

лар фарзандларининг ёзги таътил кунларида оромгоҳларда дам олишларини ташкил этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, янги йил байрамлари, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунларида пойтахтимизнинг нуфузли томошагоҳлари ва боғларига чипталар уюштирилганини айтиб ўтиш жоиз. Шунингдек, ишчи ва хизматчиларга жамоа шартномасига мувофиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамлар, қўлгўл кунлар ва ходимларнинг юбилейларида совғалар улашилди.

Нотиқ анжуман иштирокчилари ва меҳмонларни Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти билан таништиради экан, бажарилмай қолган ишларга ҳам тўхтади, шунингдек, ИИВ раҳбарияти билан келишиб

ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалаларни айтиб ўтди.

Анжуманда кўмита тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тинланди. Маърузалар юзасидан музокараларда ИИВ Стоматология поликлиникаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Баҳодир Носиров, Бирлашган тахририят масъул котиби Эркин Сатторов, ИИВ Марказий поликлиникаси бошлиғи, подполковник Феруза Зокирова, ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси аъзоси Тамара Миронова, ИИВ ИХҚ ва ЮТБ бўлим бошлиғи ўринбосари, капитан Озодбек Журабоев сўзга чиқиб, кўмитанинг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари, шунингдек, ечимини кутаётган муаммоларга эътибор қаратишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Делегатлар

Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг янги таркибини сайлашди. Шунингдек, Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг тафтиш комиссияси аъзолари ҳам сайланди.

Анжуман иштирокчилари бир овоздан Ҳ. Жалиловани яна ИИВ Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг раиси этиб сайладилар.

Ҳисобот-сайлов анжуманида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Омонулло Иноғомов, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бўлим мудирини Тоир Меҳмонкулов иштирок этди ҳамда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Анжуманда шунингдек, ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Нарзулла Тўхтаев ва ИИВ Ҳўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Алишер Темиров иштирок этди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Эхтиром

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПИБ...

Умрни беҳиз оқар сувга қиёс этишмайди. Кундалик хизмат вазифалари билан андармон бўлиб, йиллар ўтиб кетганини сезмади киши. Аслида эл-юрт оқошталлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, кези келганда эса иззат-икром билан нафақага чиқиш ҳаммининг орзуси. Шундай бўлса-да ҳам сафдош, ҳам сирдош сифатида меҳрингни қозонган дўстларинг билан хайрлашиш у қадар осон эмас.

Подполковник Абдулла Ҳалимов умрини эл-юрт хизматида бағишлаган фидойи инсонлардан. Ҳар қандай вазиятда ўз бурчига содиқ, касбига садоқатли бўлгани боис у бутун жамоадошлар ҳурмати-га, юртдошлар эътиборига сазовор бўлди.

Ички ишлар идораларида узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилган Абдулла ака ўтган умрини беҳуда сарфламади. Фарзандларини муносиб тарбиялаб, вояга етказди. Ўз билими ва тажрибаларини ёш ходимларга ўргатиб, ортидан қатор шогирдларни эргаштира олди.

Узоқ йиллар хизмат қилиб, ёшларга ибрат мактаби бўлган устоз нафақага кузатилганди. Наврўз шодиданлари арафасида унинг хонадонига шогирдлари ва ҳамкасблари ташриф буюришди.

— Сиздан касбга садоқат, хизмат интизими, одамийлик каби жуда кўп хислатларни ўрганди, — деди шогирдлар мамнуният билан. — Энди фарзандлар роҳатини кўриб, кексалик гаштини суринг, устоз!

Самимий тилаклардан сўнг Абдулла акага тўн ва дўппи кийдирилди.

Шогирдлари ҳамда ҳамкасблари ташрифи ва эъзозидан устознинг боши кўкка етди.

Мадаминжон АҲМАДЖОНОВ, майор. Абдувосит СИДДИҚОВ.

Фарғона вилояти.



Суратда: истеъфодаги подполковник Абдулла Ҳалимовни шогирдлари қўллашмоқда.

Мурувват

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ашула ва ракс ансамбли санъаткорлари Хотира ва Қадрлаш куни олдида мамлакатимизнинг турли вилоятларида бўлиб, хайрия концерт дастурларини намойиш этишмоқда. Қуйида жойлардан олинган хабарлар билан таништираемиз.



УРГАНЧ. Хоразм вилоятининг Шовот, Хива, Хонқа туманлари ҳамда Урганч шаҳрида бўлиб ўтган концертда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Тиллаев, хонандалар «Нихол» мукофоти совриндорлари Фирдавс Пазлиддинов, Фарҳод Қамбаров, эстрадамиз юлдузлари Анвар Санаев, Дилшод Раҳмонов, Али Ниёзимбетов, Машҳура Эргашева, қизиқчи Ўткир Мухаммадхўжаевлар иштирок этишди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган ранг-баранг куй ва кўшиқлар томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Концерт дастуридан тушган маблағнинг бир қисми хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган, моддий ёрдамга муҳтож ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига ҳамда Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига берилди.

Худойберган ЖАББОРОВ, ўз мухбиримиз.

Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Тиллаев хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига хайрия маблағларини топширмоқда.

Мирзабой АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

БУХОРО шаҳрида жойлашган 23-маҳсус мактаб-интернатга ИИВ Ашула ва ракс ансамбли аъзолари ташриф буюришди. Шу муносабат билан вилоят ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳам бўлишди. Тарбияланувчиларга меҳр-эътибор билдириб, дил сўзларини изҳор этишди.

Вилоят ИИВ бошлиғи ўринбосари, подполковник Шўхрат Ражабов сўзга чиқиб, Барқамол авлод йилида амалга оширилаётган ишлардан асосий мақсад ёш авлодни бардам-бақувват, соғлом, Ватанимиз учун муносиб, эл-юртга садоқатли инсон бўлиб улғайиши эканлигини алоҳида таъкидлади.

Таниқли сўз устаси Мирзабек Холметов, хонандалар Анвар Санаев, Дилшод Раҳмонов, «Нихол» мукофоти совриндорлари Фирдавс Пазлиддинов, Юлдуз Турдиева, Фарҳод Қамбаров сингари санъаткорларнинг чиқишлари болажонларни хушнуд этди. Улар дилдан яйраб, рақсга тушишди. Тадбир давомида ИИВ Ашула ва ракс ансамбли раҳбари У. Тиллаев 23-маҳсус мактаб-интернатга рангли телевизор совға қилди.

ИИВ Ашула ва ракс ансамбли жамоаси шунингдек, вилоятнинг Когон, Жондор, Қорақўл туманларида бўлиб, концерт дастурларини намойиш этишди.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.

Тадбир

Ёшларни ҳар томонлама етук ва барқамол вояга етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда ота-оналар, ўқитувчи-устоз ва мураббийларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

УСТОЗ ВА ШОГИРД БИР МАҚСАД САРИ

Тошкент вилояти ИИВ мажлислар залига бошқарма раҳбарияти, Мураббийлар кенгаши аъзолари, шаҳар-туман ИИВ, ЖИЭМ бошлиқларининг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, ёрдамчилари ва хизматга янги қабул қилинган ёш ходимлар, уларнинг ота-оналари ҳамда меҳнат фахрийлари ташриф буюришди. Йиғилишда ёш ходимлар ва уларга бириктирилган мураббийларнинг фаолиятларига доир масалалар муҳокама этилди.

Тадбирни вилоят ИИВ бошлиғи ўринбосари, полковник Ш. Рузметов олиб борди ва маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида ёш ходимларни касбга йўналтириш, таҳриба ва малакасини ошириш, хизмат кўникмаларини шакллантириш борасида мураббийлар томонидан амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам тўхтади.

Шунингдек, сўзга чиққан вилоят ИИВ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник Д. Абдулҳақов, Тергов бошқармаси

бошлиғи ўринбосари, подполковник Н. Имоматов, ХООБ бошлиғи, подполковник М. Исмомов ва бошқалар мураббийлар ҳамда уларга бириктирилган ёш мутахассисларнинг биргаликдаги фаолияти, касб сир-асрорларини ўзлаштиришда эришаётган муваффақиятларини эътироф этдилар.

Тадбирда вилоят ИИВ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Хидиров бошқарма бошлиғининг мураббийлар ва хизматда юқори кўрсаткичларга эришган ёш ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги буйругини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, тиришқоқлиги, билими ва меҳнатсеварлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёш ходимларнинг ота-оналарига миннатдорлик хатларини топширди.

Йиғилиш сўнггида тадбир катнашчилари эътиборига таниқли хонандалар иштирокидаги концерт дастури ҳавола этилди.

Мухаббат МИНАВВАРОВА.

Тошкент вилояти.

Амалий машгулот

ХИЗМАТ ТАЙЁРГАРЛИГИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимлари республикамиз тинчлиги ва оқошталлигини сақлашдек зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун жисмонан бақувват, хизмат ҳамда жанговар тайёргарликка эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан Шахсий таркибининг жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини янада ошириш мақсадида республика Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида ички ишлар идоралари ходимлари билан амалий ўқ отиш машгулотлари ўрнатилган тартибда ўтказиб келинмоқда.

ИИВ дала ўқув майдонида вазирлик бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари шахсий таркиби ҳамда Ички ишлар вазирлиги гуруҳига кирувчи раҳбар ходимларнинг ўқ отиш тайёргарлиги бўйича навбатдаги машгулот бўлиб ўтди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган синовлар шахсий таркибининг билим ва кўникмаларини амалда текшириб кўриш имконини беришмоқда.

Чунончи, зарурат туғилганда жанговар куролдан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳар бир ходим учун муҳим аҳамият касб этади.

Машгулот давомида ИИВ бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари бошлиқлари ҳамда улар-

нинг ўринбосарлари «Калашников» автомати ва «Макаров» пистолетдан нишонга ўқ отиб, ўзларининг жанговар тайёргарликларини янада оширишди.

Шунингдек, машгулот чоғида портловчи қурилмаларни аниқлаш, зарарсизлантириш бўйича амалий машгулот ўтказиш

қарши курашиш борасидаги мавжуд замонавий техникалардан фойдаланиш усуллари намойиш этилди. Шу билан бирга, портловчи қурилмаларни қидириб топиш, уларнинг умумий қуриниши, тузилиши, таркибий қисмлари ҳақида ҳамда қурилма портлаганида юзага келадиган талафот ва унинг таъсир ҳудуди тўғрисида аниқ тушунчалар берилди.

Шунингдек, ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси жанговар тайёргарлик бўлими бошлиғи, подполковник А. Ҳайдаров зирҳли техникаларнинг тактик-техник хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот бериб, жанговар қобилиятини намойиш этди.

Кобилжон ШОКИРОВ, капитан.

Суратда: ўқ отиш машгулотини пайти. Шавкат ҚАХҲОРОВ олган сурат.



Эъзоз

Касбларнинг оддийси, катта-кичиги бўлмайди. Энг муҳими, инсон ўзи танлаган касбига садоқат билан, ҳалол меҳнат қилмоғи лозим. Шунда эл орасида унинг ҳурмати ортади. Аслида, инсон учун бундан ортиқ бахт йўқ дунёда.

Катта сержант Бахтиёржон Юсупов кўп йиллар Сўх тумани ички ишлар бўлимида ҳалол хизмат қилган фидойи ходимлардан ҳисобланади. У қўриқлаш, таъминот ва кинология хизматларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Бахтиёржон Юсупов ешлигидан ички ишлар ходими бўлишни орзу

КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН ИНСОН

қилиб вояга етган. Боиси, унинг отаси капитан Мирзажон Юсупов шу соҳада самарали хизмат қилиб, ўз ҳаётини элу юрт, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида бахшида этган сўхлик фидойи инсонлардан бири эди. Отасининг «Эл-юрт осойишталигини асраш – энг муқаддас ишдир», деган ўғити унга ҳамisha гайрат бағишлаб, танлаган касби сари етаклади.

арзийди, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Фаррухбек Уринбоев. – У ҳар қандай топшириқни аъло даражада бажариши, ҳалоллиги, гўзал инсоний фазилатлари билан жамоада ҳурмат топди. Сидқидилдан қилинган ҳар қандай меҳнат ўз самарасини бермай, тақдирланмай қолмайди. 1992 йилда катта сержант Б. Юсупов республика Ички ишлар вазирлигининг «Милиция аълочилиси», кейинроқ эса Президентимизнинг Фармониға

биноан «Қуролли Кучларнинг 10 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Яқинда тажрибали ходим нафақага кузатилди. Шу муносабат билан туман ИИБда тадбир ташкил этилди.

– Мен ушбу касбни танлаб хато қилмаганимга яна бир бор амин бўлдим, – деди Б. Юсупов ҳамкасбларига миннатдорлик билдириб. – Бундай аҳил жамоани тарқ этиши, севилиши касбинг билан хайрлашиш оғир бўларкан. Бироқ ёрдамим керак бўлганида ҳамisha жамоадошларим ва юртдошларим хизматиға тайёрман.

Сухбатжон ШАРИПОВ, майор.

Абдувосит СИДДИКОВ.

Фаргона вилояти.

Хизмат жойи – Қоровул қўшинлари

ИЛҒОР КОМАНДИР

Иккинчи жаҳон урушининг жангоҳларида бўлиб қайтган, марҳум Тошпўлат Ҳайитовнинг она-Ватан учун қон кечиби жон берган, қаҳрамонларча ҳалок бўлган қуролдош дўстлари ҳақидаги ҳаётий ҳикоялари Қизилтепа туманининг Рўзибийён қишлоғида туғилиб ўсган набираси Содикжон Ҳайитовда Ватан ҳимояси, ҳарбий хизматга бўлган илк ҳавасни уйғотади. 1991 йилда ўрта мактабни тавомлаган Содикжон ўша орзу ҳавасни рўёбга чиқаришга интилади. Ҳеч иккиланмай Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик билим юртиға ҳужжат топширди ва синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, курсантлар сафига қабул қилинди.

севган соҳасида хизмат қила бошлади. Хизматни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлариға қарашли ҳарбий қисмлардан бирида давом эттирди. 1998 йилда ҳарбий қисмнинг автомобиль взводи командирлиғиға ўтказилди. Касбига бўлган фидойилик, ўз устида тинмай ишлаши ва унга билдирилаётган ишончининг самараси ўлароқ, бугун ҳарбий қисм штаб бошлиғининг катта ёрдамчиси, майор.

– Содикжоннинг қўлга киритаётган ютуқларини йилдан-йилға ошириб бориши энг аввало, ўз касбини севиши, иштиёқ, тиришқоқлик ва қатъият билан хизмат қилиши ҳамда оддий аскарларни ўз уқасидек қўришида деб биламан, чунки аскарға бегона қўз билан қараган сардор ҳеч қачон ўсмайди ҳам, унмайди ҳам, – дейди ҳарбий қисм командири, полковник М. Ҳалим-Зода.

Бугунги кунда аънаанаға айланган улгурган, Қоровул қўшинлари ва Қуролли Кучларимиз миқёсида

ўтказилиб келинаётган «Энг илғор касб мутахассиси» кўрик-танловида 2008 йилда иккинчи-ўриниға сазовор бўлган эди. Батальон командири, майор С. Ҳайитов 2009 йил мазкур кўрик-танловнинг «Илғор батальон командири» номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади.

– Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилаётган танловлар биз, офицерлар учун ўз билим ва қобилиятимизни синаш имконини бермоқда. Бундан ташқари, ўзаро тажриба алмашаямиз, билимларимиз мустаҳкамляпти, – дейди лавҳамиз қаҳрамони.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Ватан сарҳадлари дахлсизлиги, уни турли ҳавфў хатарлардан ҳимоя қилиш йўлида хизмат қилаётган ана шундай мард, жасур ўғлонлари бор экан, юрт осмони ҳамisha мусаффо бўлаверади.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ лейтенант.

Навоий вилояти.

Транспорт ИИБда

МАНЗИЛГА БЕТАЛАФОТ ЕТКАЗИЛМОҚДА

Мамлакатимизда темир йўл транспорти тобора такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда унинг иқтисодий-теми ривожига тугган ўрни бекиёсдир. Шу боис ишончли, қулай ва тезкор бўлган бу тизимға талаб тобора ошиб борапти. Буни эътиборға олиб, нўлат излар орқали юк ва йўловчиларни белгиланган манзилға беталафот етказиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда юз бериши эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишға алоҳида эътибор берилаяпти.

Бу борада Транспорт ИИБ республика темир йўллариға аммиакли селитра ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальони томонидан муайян ишлар амалға оширилмоқда. Шахсий таркиб олдиға «Узкимёсановат» давлат акциядорлик компаниясиға қарашли «Максам – Чирчиқ», «Навоизаот» ва «Фаргонаазот» очик акциядорлик жамиятлари юклари ортилган вагон ва цистерналарни темир йўл транспортида ташили-

шини манзилгача кузатиб бориш вазифаси қўйилган. – Ходимларнинг касб маҳоратини оширишға алоҳида эътибор қаратиляпти, – дейди батальон командири, полковник Мирафзал Сағатов. – Бу борада айниқса режа асосида ўтказилаётган ўқув машғулотлари муҳим омил бўлмоқда. Хизматға янги қабул қилинган ёшлар узоқ йиллар ишлаган ходимларға бириктириб қўйилгани белгиланган вазифалар муваффа-



Суратда: Транспорт ИИБ алоҳида милиция батальони ходимлари кичик сержант (ўнгда) Маҳмуд Тангрибердиев, сафдорлар Дилмурод Саманов ва Ақром Мамановлар тамға ва бурamalарни кўздан кечирмоқдалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

қиятли бажарилишида тажриба мактабини ўтамоқда.

Жамоада ўз ишини пухта билладиган, интилувчан, касбига меҳри баланд ходимлар кўпчиликини ташкил қилади. Сафдорлар Санжар Кубаев, Фаёз Ҳайдаров, Шерзод Марозиқов, Олимжон Рўзमतов, Тошпўлат Олишев ва Хусан Пардаевлар шулар жумласидандир.

Шахсий таркибнинг жанговар тайёрлигини ошириш, фавқулодда вазиятлар юзға келганда тўғри ҳаракат қилишини таъминлаш мақсадида техника ва ёнғин ҳавфсизлиги бўйича машғулотлар ташкиллаштириляпти. Шу билан бирға, хизмат интизоми ва қонуниликка риоя қилиш, вагонлардаги юклар ўғирланиши ва талон-тарож қилинишиға йўл қўймайлик учун ҳар бир отрядға масъул раҳбар ходимлар бириктирилган.

Маълумки, юксак назарий билим ва мустаҳкам амалий кўникмаға эға бўлган ходимини хизматда яхши натижаларни қўлга киритади. Буни инобатға олган раҳбарият ходимларнинг билимини ошириш, уларни маърифатли, маданиятли ва маънан етук қилиб тарбиялаш учун бор имкониятларни ишға солмоқда. Бунда айниқса ҳар ҳафтада мунтазам ўтказиб борилаётган Маърифат дарслари муҳим аҳамият касб эътапти.

Хизматда самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан яратилган шарт-шароитға боғлиқ эканлиги сир эмас. Ходимлар алоқа воситалари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланган. Бу эса улар томонидан зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришларида қўл келмоқда.

Фурқат ХОЛИКУЛОВ, «Поста» мухбири.

Заррабин остида

ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР ЁРДАМИДА

Хоразм вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими ходимлари зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни чуқур хис қилиб, содир этилаётган жиноятлар тезкорлик билан очилишида фаол иштирок этишмоқда.

Урганч шаҳри Д. Матнонов кўчасидан ўтувчи темир йўл ёқасидан номаълум шахснинг мурдаси топилди. Воқеа жойиға етиб келган тезкор гуруҳ аъзолари қўл ўтмай жасаднинг шахсини аниқлашди. Урганчлик, муқаддам судланган Аминбой Каримов ўткир тигли жисм билан тан жароҳати олиши ҳамда кўп қон йўқотиши оқибатида оламдан ўтган эди. Муқаддам судланган бу шахснинг сирли ўлими ички ишлар ходимларини сергакланттирди.

Воқеа жойини кўздан кечириётган вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими ходимлари спиртли ичимликдан бўшаган ишчилардан қўл бармоқ изларини олишға муваффақ бўлишди. Тезкор-тергов ва суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Қўл бармоқ излари «Адис Сонда» автоматлаштирилган компьютер тизими базасиға киритилди. Натижада у Урганч шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган Э. Улуғбекча тегишли эканлиги маълум бўлди. Дастлаб ай-

бини тан олмаган бу шахс экспертларнинг асосли далилларидан сўнг тақдирға тан беришдан бошқа чора тополмай ва бўлган воқеани айтиб берди.

Уша кўни эски қадрдони Аминбойни учратиш қолган Улуғбек табиат қўнида бироз ўтириб, гурунглашишни тақриф қилади. Ичкиликдан кайфи ошган улфатлар ўзаро тортишиб қолишади. Оқибатда жаж чикса, ақл қочади деганларидек, ўзини идора этолмай қолган дарғазаб Улуғбек чўнтагидаги пичоқни олиб, Аминбойға санчади...

Эксперт-криминалистика фаолиятиға оид бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Хива туманидаги «Ўзбекистон» фермерлар уюшмасида истиқомат қилувчи Абдушариф Атаевнинг чойхонасидан 3 миллион 600 минг сўм пул ўғирлаб кетилди. Воқеа жойиға етиб келган туманлараро 1-сонли эксперт-криминалистика гуруҳи эксперти, капитан Хушнуд Полвонов ичкаридаги буюмлардан қўл бармоқ изларини олди. Вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими экспертилари, капитан Кувондиқ Уринов ҳамда лейтенант Лилия Залилова олинган қўл бармоқ изларини «Адис Сонда» автоматлаштирилган компьютер тизими базасиға киритишди. Натижада ушбу қўл бармоқ излари муқаддам судланган хивалик С. Анварники эканлиги аниқланди. Ўтказилган эксперт-тадқиқотлар натижасида Богот ҳамда Ҳазорасп туманларида содир этилган ўғирлик жиноятлари ҳам фож этилди ва бунда С. Анварнинг қўли борлиги ошкор бўлди.

– Биз гиёҳвандлик моддаларининг таркибини аниқловчи Хроматограмма компьютерлаштирилган тизимиға эға бўлдик, – дейди вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими катта эксперти, майор Омонгалди Полвонов. – Ушбу замонавий мосламанин афзаллиги шундаки, бу йўналишдаги эксперт-тадқиқот ишлари авваллари Тошкент шаҳриға юборилиб аниқланар эди. Энди шу ернинг ўзида, қисқа вақт ичида бажариш имкониятиға эға бўлдик. Бу эса хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб эътапти. Шунингдек, ходимларимиз ихтиёриға берилган ҳамда барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Газель» русумли хизмат автомашинаси қисқа фурсатда воқеа жойиға етиб бориш, у ерни кўздан кечириш ҳамда зарур эксперт тадқиқотларини олиб бориш имкониятини яратди.

Бўлимға республика ИИБ раҳбарияти томонидан рақамли камера, фотоаппарат ҳамда воқеа жойини кўздан кечириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар мажмуаси ҳам берилди. Яратилаётган бундай шароитлар соҳа ходимларини фидойилик кўрсатиб хизмат қилишға ундамоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ, «Поста» мухбири.

Хоразм вилояти.

Қўриқлаш хизмати

ИШОНЧ ОҚЛАНСА ҚАДРЛИ

Топширилган объектларда мол-мулк муҳофазасини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликлар ва ташмачликларнинг олдини олиш қўриқлаш хизматининг асосий вазифасидир. Мазкур соҳа ходимлари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур хис этган ҳолда фаолият кўрсатишмоқда.

Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими томонидан 40 дан ортиқ объект муҳофазасаға олинган. Ходимлар бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда иш олиб боришатиғани сабабли яхши натижалар қўлга киритилаяпти.

Шахсий таркибнинг касб маҳоратини ошириш, кадрларни тарбиялаш ишлариға алоҳида эътибор берилмоқда. Муҳофазасаға олинган ишоботларнинг ишончли қўриғини таъминлаш мақсадида замонавий қўриқлов технологияларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

– Корхонамизда асосан ши-

фер ишлаб чиқарилади, – дейди масъулият чекланган жамиятнинг катта ҳуқуқшуноси Ф. Муқомов. – Ўтган йил давомида бирорта ҳам ўғирлик, талон-тарожлик ҳолатлари қайд этилмади. Албатта, бунда ишни тўғри ташкил эътаётган қўриқлаш хизматининг катта ҳиссаси бор.

Ўтган йили ходимларнинг ҳушёрлиги туфайли 12 та ташмачилик ҳолати аниқланиб, олинган мулклар эғаларига қайтарилди. 42 та корхона ва ташкилотда профилактик ишлар олиб борилди. Соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани туфайли жорий йил бошидан бери икки нафар ташмачи ушланди.

Шу йил 19 январь кўни «Қорадори» тадбири пайтида Чумчуқли қишлоғида яшовчи Б. Али 1 гр. героинни сотмоқчи бўлганида қўлга олинди. Эртасиға эса тўхтаб текширилган Е. Латифнинг ёнидан 0,055 гр. героин чикди. Туманда истиқомат қилувчи Хуршид «Иж» русумли ўқотар қуролни ўз танишиға сотаётган пайтида сирли фож этилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Халқ ишончи оқлансагина қадри бўлади. Шахсий таркиб бунға эришиш учун бор имкониятларни ишға солмоқда.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

Самарқанд вилояти.

Йўл қоидаси – умр фойдаси

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг ҳар бир банди, ҳар қандай йўл белгиси инсонларни нохуш ҳолатлардан муҳофазаса қилишға қаратилган. Демак, уларда белгиланган талабларға қатъий риоя қилсак, аввало, ўзимизни асраган бўламиз. Қолаверса, бу йўловчи ҳайдовчиға бирдек дахлдор бўлган бурчдир. Аммо рўй бераётган фалокатларға йўл қоидаларини пинсанд этмаслик, уларға эътиборсизлик сабаб бўлаёттир.

Поп туманида яшовчи Ботир Жонбердиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳадемай 45 ёшни қоралайди, оилали, уч фарзанднинг отаси.

– Уша кўни соат 19.00 ларда ишдан қайтдим, – дейди у ўз кўргазмасида. – Уч соатлардан кейин навбатчи кўнгирик қилиб, Норин туманидаги темир йўл станциясиға таъмирловчи поезд чиқаришим кераклигини айтиди. Шахсий «Дамас»ида йўлга тушдим. «Санг» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудиға етганимда йўлни кесиб ўтаётган одамни кўриб қолиб, тормозни босдим. Бирок машина сирпаниб бориб, уни туртиб юборди. Автомобилни тўхташиб, олдиға борсам, ҳўссиз ётибди. Елкасидан кўтариб, йўл четига олдим, машинаға юклаш-

ға кўчим етмади. Шундан сўнг шифокор укамни олиб келиш учун кетдим...

Ҳайдовчи «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3.5 ва 12.1-бандлари талабларига риоя қилмаган. Зеро, йўл-транспорт ҳодисаси содир этгани етмагандек, ҳаёти, соғлиғи ҳавф остида қолган жабранувчиға ёрдам кўрсатмай, воқеа жойидан қочиб кетади. Юқоридаги қоиданин 4.1-бандида йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда ҳайдовчи транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, шикастланганларға биринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур чоралар кўриши керак. Шунингдек, «Тез ёрдам» чақириси, шошилинч ҳолларда эса шикастланган одамни яқин орадаги даволаш муассасасиға транспортда жўнатиши, бу-

нинг илоҳи бўлмаган тақдирда ўз транспортида олиб бориши, у ерда зарур маълумотларни бериб, воқеа жойиға қайтиб келиши ва ички ишлар идорасиға хабар бериши кўрсатилган.


Ана шу талаблар бузилиши натижасида пиедра Ю. Юсупов олган тан жароҳати сабабли воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади. Боз устиға, республика суд-экспертиза маркази Фаргона вилояти бўлимининг ҳулосасиға кўра ҳайдовчи автомашинани тўхташиб, пиедра билан тўқнашувининг олдини олиш имкониятиға эға бўлган.

– Укам билан воқеа жойиға келганимда у ерда ички ишлар ходимлари туришган экан, – дейди Ботир Жонбердиев, – уларға йўловчини мен уриб юборганимни айтдим. Бу пайтда жабранувчи оламдан ўтган экан.

Шундай қилиб, Ботир Жонбердиев ўзининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан айбдор деб топилиб, жиний жавобгарликка тортилди.

Музаффар ҲОШИМОВ, капитан.

Наманган вилояти.



Суратда: вилоят ИИБ ЭКБ экспертлари, лейтенантлар Музаффар Маткаримов (чағда) ва Ақром Худойбергановлар хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

Маърифат дарси

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — КАМОЛОТНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат ҳақон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Ислол КАРИМОВ.

Ёш авлод таълим ва тарбиясида олиб борилаётган ислохотлар республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг интеллектуал билим ва савияга эга бўлишга қаратилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 41-моддасида «Хар қим билим олиш ҳуқуқига эга», 42-моддасида эса «Хар қимга илмий ва техникавий иход эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади».

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳамқўрлик қилади» деб белгилангани ёшларнинг таълим-тарбиясига жиҳдди эътибор бериш ҳар бир ота-онанинг ўқитувчи-тарбиячидан Ватан олдидаги муқаддас бурчи эканига далолатдир.

Таълим — махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўқитиладиган, ўқувчи-ёшларни билим, кўникма ва малакалар билан қуролантириладиган, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини шакллантирадиган жараён, кишини ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида маълумот олинди ва тарбия амалга оширилади. Таълим тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади, ammo у фақат турли ўқув юртиларида ўқитиш жараёнини эмас, оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маълумот бериш жараёнини ҳам билдиради.

Таълимнинг мазмун-моҳияти жамиятнинг моддий ҳамда маданий тараққиёти даражаси билан белгиланади. Таълим жамият қурлишининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш — жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш, ижтимоий муносабатларини таркиб топтириш, янги авлодни тарбиялашга ёрдам беради.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида шу соҳа бўйича ёшларга таълим-тарбия бериб келинмоқда.

1997 йил 29 августда қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим ва тарбия муассасаларида тайёрланадиган кадрларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган назарий-методологик, амалий-педагогик ёндашувлар мажмуини белгилаб берди.

Ҳақон таълим тизими таърибаси-

да мутлақо янгилик бўлган кадрлар тайёрлаш миллий модели шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш сингари беш таркибий қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир таркибий қисми тарбиячи, уларнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилган. Жумладан, шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи, деб таърифланган.

Қадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сисёати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-қўқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу таразда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, иждоий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади. Бу ўз вақтида шахсни таълимнинг истеъмолчиси билан бир қаторда асосий ўринни оила, таълим муассасасининг шароити гоят муҳим аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбия ўргатишда мақсад ҳам, натижа ҳам аниқ бўлиши керак. Ота-она фарзандига истаган пайтда, хоҳлаган моддий нарсасини олиб бериши мумкин экану, ammo маънавий бахтини олиб бериши қийин экан. Илмий педагогик адабиётларда тарбия тушунчаси ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот — дунёқарашини, инсоний эътиқод, бурч ва масъулятни, жа-

лим олишлари учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Таълимнинг инсонпарварлашуви — инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжлари қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва аτροφ-муҳит ўзаро уйғунлашувидир. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишларида миллий мустақиллик принциплари ва ҳақоний бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ҳамда бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш; таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш таъкидлаб ўтилган.

Тарбия нима? Тарбия ўргатишдир. Ёшлар тарбиясида у яшаб турган шароит, муҳит, кишиларнинг роли катта бўлиши билан бир қаторда асосий ўринни оила, таълим муассасасининг шароити гоят муҳим аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбия ўргатишда мақсад ҳам, натижа ҳам аниқ бўлиши керак. Ота-она фарзандига истаган пайтда, хоҳлаган моддий нарсасини олиб бериши мумкин экану, ammo маънавий бахтини олиб бериши қийин экан. Илмий педагогик адабиётларда тарбия тушунчаси ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот — дунёқарашини, инсоний эътиқод, бурч ва масъулятни, жа-

лим олишлари учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Таълим ва тарбия ўргатишда мақсад ҳам, натижа ҳам аниқ бўлиши керак. Ота-она фарзандига истаган пайтда, хоҳлаган моддий нарсасини олиб бериши мумкин экану, ammo маънавий бахтини олиб бериши қийин экан. Илмий педагогик адабиётларда тарбия тушунчаси ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот — дунёқарашини, инсоний эътиқод, бурч ва масъулятни, жа-



сига, дўст-биродарига, жамоа аъзола-рига ва табиатга бўлган муносабатларини тартибга солувчи ҳулқ, одоб қонун-қоидалари мажмуи бўлиб, ёшлар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш учун кўрсатилаётган таъсир ахлоқий тарбиядир.

Жисмоний тарбия ахлоқий тарбия билан ҳамбарчас боғланган. У ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва Ватан ҳимояси учун қўрқмас, жасур, ҳарбий илмлар, қурол-аслаҳалардан фойдаланишни биладиган шахс бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Сабаби бундан, ўз қучига ишонмаган, дангаса, қўроқ шахслар Ватан ҳимояси учун яроқсиз ҳисобланиб, улардан жасур ва ботир чиқмагани тарихдан маълум. Мард, жисмонан чиққан киши меҳнатда ҳам ўзини кўрсата олади. Бундай сифатга эга бўлган кишида ҳақиқат, қаноат, сабр, эзулик, виждон, адолат, диниёт, инсофни; номдрларда эса ёмонлик, ожизлик, маккорлик, ҳасад, адоват, разиллик, юзсизлик, хиёнат, тубанлик, ноинсофлик каби иллатларни учратиш мумкин.

Меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланиб, ундан кўзланган мақсад, аввало, меҳнатнинг мазмун-моҳиятига тегаран нигоҳ ташламоқ, муайян ҳулоаса чиқаришдир. Меҳнат қиладиган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан қониқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади. Ҳалол меҳнат — киши ҳаётининг мазмуини ташкил этади. Эстетик тарбиянинг мақсади ва вазифаси инсонларни табиат ва жамиятдаги гўзалликни идрок қилиш, уни тўғри тушуниш ва фаҳмлаш, қадрига етишга, шу аснода ўз шахсий ҳаётининг гўзал томонини кўра билишга, гўзал бўлиши учун қуралишига ўргатишдан иборатдир. Эстетик тарбия ахлоқий қиёфа, ихобий ҳулқ-атвор меъёрларини таркиб топтиришга, уларнинг иждоий қобилиятларини тараққий эттиришга катта таъсир кўрсатади.

Тарбия масаласида оиланинг муҳим маънавий, маданий хусусиятларидан бири — унинг миллийлигидир. Шу туфайли ўзда муайян миллий маънавият, миллий тарбия маданиятини у ёки бу даражада акс эттиради. Ўзбек оилаларида миллийлик ва тарбияга муносабатлари педагогика фанлари доктори, профессор М. Қуронов илмий тадқиқотда шартли равишда тўрт гуруҳга бўлди: 1. Бола тарбиясига қадимчиликка ёки авторитар ёндашув. 2. Либерал — кўнгличан ёндашув. 3. Миллий-замонавий, демократик ёндашув. 4. Маргинал ёндашув (бошқа миллий маданияти асосида тарбиялаш).

Ота-онанинг оиласида фарзандлар тарбияси билан мақсадди, тизимли шуғулланаётганини ёки эътиборсизлиги шундай ҳолатларга боғлиқлигини сезиш қийин эмас. Ота-она обрусини,

аслида, уларнинг фарзанди шахси билан қизиқиши, ўсиб бораётган эҳтиёжларини ўрганиб, бошқариб, қондириб бориши оширади. Ҳаётда ота-онанинг тарбиячи сифатидаги обрусини туширувчи сабаблар қуйидагилардир: ота-она ўзини асосан фарзанднинг боқувчиси сифатида англаб, тарбиячи эканлигини чўқур англамаслиги; айрим оилалардаги ахлоқсиз турмуш тарзи; ота-онанинг болаларига айтган сўзлари, панд-насихатлари ва амалдаги хатти-ҳаракатлари орасидаги тафовут; ота-онанинг фарзандига қилган хизматини миннат қилавериши, улар билан асосан, буйруқ, ҳўкм тарзида муомала қилиши; ота-онанинг фарзандлари ҳаёти, қизиқишларига эътиборсизлиги, уларга вақт ва диққат ажратмасликлари, оила юмушларида меъёрида жалб қилмаслиги (ўсимлар ўзларига нисбатан бундай бефарқликдан қаттиқ изтироб чекадилар, у ота-она ва ўсим орасига совуқчилик туширади); фарзандлари билан муомала ва бошқа муносабатларда уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқмаслик қабилар.

Ота-она фарзандининг ёш хусусиятлари (айниқса, ўсимлик, ёшлик даврларни) билмаслиги уларни ота-онанидан (кўпчилик ҳолларда отадан) маънави ва қалбдан узоқлашувига олиб келадиган сабабларнинг айримлари қуйидагилар: — ота-она ўзини фарзанди учун доимо шахсий намуна эканини англамаслиги; ота-она, оила аъзолари даврасида фарзанд олдида қўйиладиган тарбиявий талабларда ақилликни етишмаслиги; ўқувчи фарзанднинг кундалик ҳаётидаги режасизлик, тартибсизлик, аниқ мақсадга йўналтирилмаганлик; рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсад устуворлигини англамаслик; миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда изчилликни етишмаслиги; болани тан жазоси билан қўрқитиш; ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгига тез-тез жанжаллашиб туриши; уйда ошқора ичкилик бозлик қилиниши; беҳад сўзлар, қарғишлар, сўқинишлар; ўз фарзандини ҳеч шубҳасиз «энг яхши» деб ҳисоблаш; ўқувчи-фарзандига ваъда бериб бажармаслик; мактаб билан таълим-тарбиявий ҳамкорликдан ўзини четга олиш; ўқувчи болаларини ўз аждодлари, шажаралари билан таништирмаслик ва бошқалар.

Ёшларимиз тарбиясида турли ниқобдаги нуқсонлар, мафкуравий таҳдид, хатарлардан асраш учун оила ва таълим муассасаларида миллий тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик хусусиятларини ва унинг фаол маънавий ҳимоя омилига айланишида ота-оналар, педагогларнинг бу борадаги билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз такомиллаштириш давр талабидир.

Акрам АКМАЛОВ, доцент.

Олег ТАДЖИВ, Ташкент вилояти Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси.

Муштарий мактуби



ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Ассалому алайкум, ҳурматли «Поста» газетасининг захматқаш ходимлари!

Аввало бироз кеч бўлса-да Сизларни БАХТ ВА БАҲОР байрами — Наврўзи олам билан самимий табриклайман, барчаларингиз эзгу орзу-ниятларингизга эришишларингизни тилайман.

Шуни қувонч билан эътироф этаманки, сўнги пайтларда «Поста»да бизни қувонтирадиган кўплаб ихобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Айниқса, газетанинг Наврўзга бағишланган сони, унинг 8-саҳифасидаги дилтортар суратлар, шеърла-

ру байрам ҳазиллари менда жуда катта таассурот қолдирди. Қойил, раҳмат Сизларга!

Азиз ҳамкасблар! Сизларга дил тўла эҳтиромимни йўллаш билан бирга буюқ жаҳонгир бобоимиз — Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган шеъримни ҳам юборишга жазм этдим. Шеър сизларга манзур келиб, газетادا ёритилса, улуг бобоимизнинг барҳаёт руҳларини шод этган бўлардик.

Ҳурмат билан Адҳам МИРСАИДОВ, Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмаси аъзоси.

Фаргона вилояти.

БУЮК ЖАҲОНГИР

Улуғ соҳибқирон — эй, Темур бобо Сиз боис дилларда ифтихор, гурур. Туронни жаҳонга танитган даҳо — Рухингиз барҳаёт, қалб тўла сурур.

Мардлик, матонатда Сиз қабиладар кам, Ватанинг туғини тутдингиз баланд. Кимки ёғий эрса, бўлди боши ҳам. Ватан ишқи Сизни этди сарбаланд.

Азалий қисматдир Сизга тожу тахт, Эй, буюқ салтанат тузган улуг зот. Сизга ватандошлик ўзи катта бахт, Элни тўқ, Ватанин этгансиз обод.

Фақат бизда эмас, узоқ хорихда Сизни улуғлашар, Сизга шараф ёр. Фаранглар юртида — гўзал Парихда, Улкан ҳайкалингиз турар пурвиқор.

Ёдгорлик пойида шундай битик бор: «Буюқ шахс — Оврупо халосқорига!». Демак, Сиз айлаиб қолгансиз ҳатто Кўхна бу дунёнинг ифтихорига!

Сиз суйган заминда бугун истиклол, У бизни айлади иқболи баланд. Илоҳий инъомдан қулмоқда иқбол, Ажиб тўйқонадир Шошу Самарқанд...

Занглаган кишанлар узилган буткул, Тикланиб бормоқда эгик қаддимиз. Истиклол туфайли бурроланди тил, Ҳақ сўзини айтомоққа сизга ҳаддимиз.

Авлодлар ҳамиша Сизни қилур ёд, Ахир, Сиз эмасми эр йигитга пир!? Рухи покингири Аллоҳ этсин шод, Амир Темур бобо — буюқ жаҳонгир!

Мураббийлик мактаби

КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ички ишлар тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, шахсий таркиб ўртасида хизмат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, қонунбузарлик қолатларининг олдини олиш борасида Мураббийлик кенгашларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ҳузурида фаолият олиб бораётган мазкур кенгашлар томонидан тизимда кадрларни тарбиялаш, уларнинг касбий ва хизмат тайёргарликларини янада ошириш юзасидан муайян ишлар амалга ошириляпти.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идораларида хизмат қиладиган ходимларга нисбатан қўйиладиган талабларнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида хизмат қилишни ихтиёр этган ёшлар, аввало соғлом, жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама етуқ, қатъиятли, мард ва жасур бўлмоғи керак. Ана шундай ходимлар билан тўлдирилган шахсий таркиб ҳар қандай вазиятда зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли бажаришга қодир бўлади.

Шахсий таркиб ўртасида қонунчилик, хизмат интизомини мустаҳкамлаш мақсадида республика ИИБ Ҳайъат йиғилишлари қарорлари асосида вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан жойларда мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Тадбирларга шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари, барча мустақил бошқармалар, бўлимлар, шаҳар-туман ИИБлари бошлиқларининг шахсий тар-

киб бўйича ўринбосарлари, Мураббийлик кенгашларининг раислари тақлиф этиладилар. Бу каби тадбирларда Ички ишлар ҳаётига оид долзарб вазифалар, уларни амалга ошириш тадбирлари ўзаро танқид ва ишчанлик руҳида муҳокама этилади, хизмат соҳасидаги ютуқлар эътироф этилгани ҳолда йўл қўйилган камчиликлар ошқора танқид қилинади.

Ҳозирги тезкор ва шиддаткор даврда белгиланган хизмат вазифаларига ўта юксак масъулият билан ёндашиш, ходимлар ўртасида хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, қонунбузарликларга йўл қўймаслик каби масалалар ниҳоятда долзарб бўлиб, у ички ишлар ходимларидан катта масъулият талаб этади. Бу ишларнинг муваффақиятли адо этилиши эса маълум маънода Мураббийлик кенгашларининг фаолиятига боғлиқдир.



Вилоятда хизматга келган ҳар бир ёш ходим малакали, кўп йиллик тажрибага эга офицерларга бириктириб қўйилади. Мураббийлар ёшларга хизмат давомида амалга оширилаётган ишларни қандай бажариш, топшириқларни адо этиш борасида тушуништириш беради. Ички ишларни кузатиб, зарур пайтда кўмак беради. Хизматга кўникма ҳосил қилишига ёрдам кўрсатади. Бу борада Гулистон шаҳрида иборат-

ли ишлар қилинапти. Шу боис ҳам бўлимда иш бошлаган ёшлар тезда хизмат сирларини ўрганиб, вазифаларни бажаришда бошқаларга ўрнак бўла олмақда. Бунда биринчи галда мураббийларнинг хизмати катта бўляпти.

Тўлқин МАЖИДОВ, Сирдарё вилояти ИИБ ШТБХ бошлиқининг ўринбосари, майор.

Суратда: Гулистон шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи, подполковник Файрат Эшонқулов ўзи мураббийлик қиладиган ёш терговчи, лейтенант Азиз Ҳабибуллаевга тергов ҳужжатларини юритиш юзасидан кўрсатилган беришти.

Назиржан ИҮЛДОШЕВ олган сурат.

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

ҚИЙШАЙТАН СИМЁҒОЧ СИРИ

Қишлоқнинг кўрқига-кўрқ қўшиб турган мактаб залида навбатдаги тадбирга тайёргарлик авжиди. 2-синф ўқувчиси Мадийёр Нуруллаевнинг йўқлиги маълум бўлган, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Мунира Ҳабибуллаеванинг хуноби ошди.

– Бу қандай гап ахир, у Ватан ҳақида шеър ўқиши керак-ку. Қобилиятини инобатга олиб, унга ишонч билдирган эдик, – деди асабийлашиб.

– Суриштирдик, онаси Мадийёрни кеча холасиникига кетгани, ўша ёқдан тўғри мактабга боришини айтди. Ҳали замон келиб қолса керак, – деди ўқитувчи Умида Ғойилова.

Вақт тушдики яқинлашганда овулниги Уруччи маҳалласидан келган хабар профилактика инспектори, лейтенант Саттор Мўминовни шошилинч йўлга чиқишга ундади. Борса икки аёл шовқин солиб, даҳанани жанг қилапти.

– Эрталабдан бери жияним Мадийёрни тополмаяман. Бормаган жойим қолмади, ҳамма уйга кириб чиқдим, лекин ҳеч кимдан тайинли гап эшитмадим. Онаси эса уйда хотиржам ўтирибди. Кўнглим сезаяпти, бу фоҳиша жиянимни бир бало қилган, – деди Қурбонгул профилактика инспекторини кўриши билан.

– Ҳақоратлаганин ва тухмат қилганин учун устидан арз қилиб, додингни бермасам, Бозоргул исминини бошқа қўяман, – деди пардоз-андоз қилиб олган аёл ва профилактика инспекторига юзланди. – Кеча мен Чамангул оламнинг тугилган кунига борган эдим. Мадийёр уйда дарс тайёрлаб қолганди. Кеч соат ўн бирларда келсам донг қотиб ухлаб ётибди. Эрталаб қарасам, жойида йўқ. Сура-

масдан холасиникига бот-бот кетиб қоладиган одати бор. Бугун ҳам ўша ёққа кетгандир, деб ўйлаб, хотиржам ўтиргандим. Қайнопам эса йўқ ердан шовқин чикариб, ҳақоратлапти.

– Мадийёр ўғлим Хуршид билан бирга ўқийди, – суҳбатга қўшилди кўшни аёл Реймажон. – Иккаласи қалин дўст, кеча кечкурун бизниқида овқатланди, ётиб қолган десам унамади. Кўрқмасин деб, ўзим уйига ташлаб кетдим. Очиги, хонасидаги бадбўй хиддан нафасим сиқилиб, увадаси чиққан, кир қўрпа-тўшаклардан жиркандим. Бозоргул болага умуман қарамайди.

– Демак, гапларингиз ёлгон экан-да, – деди профилактика инспектори Бозоргулга.

– Намунча менга ёпишиб олдинглар. Кетаётганимда у уйда қолган эди, кейин ўртоғининг олдига ўтган бўлиши мумкин. Отаси четга ишлагани кетган, мол-ҳол, томорқа ва рўзгор юмушларини ёлғиз ўзим қиламан. Шунда ҳам угайлигимни юзимга солиб, кун беришмайди, – пикиллаб йўғлай бошлади Бозоргул.

– Актёрлик қилма, ялмоғиз. Молларнинг суви, еми, ҳатто томорқа юмушларини ҳам шу муштдай болага топширасан. Ўзим уйга олиб кетай десам тайёр дастурни беринг келмайди. Унинг аҳолига эса ҳечам ачинмайсан. Бечора синглим бевақў ўлиб кетмаганида бола пақир бунчалик хўрланмасди. Тўғриси айт, бола қаерда? – ўшқирди Қурбонгул.

– Очиқ мазорда, мен қаердан биламан, юргандир бирон жойда тентираб, – овозини баландлатди Бозоргул ҳам.

Суриштирив пайтида Чамангул хаҳикатан ҳам кеча туғилган кунига синглиси Бозоргул келгани ва почаси уни олиб бо-

риб қўйиш учун кетиб, қайтишда машинаси бузилиб, анча кеч келганини айтди. Қадам ҳам хотинининг гапини тасдиқлаб, Бозоргулни уйига ташлаб келишда машинаси панд бериб, тонггача овора бўлганини айтиб, қора мой доғлари қолган қўлларини кўрсатди. Лейтенант Саттор Мўминов мазкур ҳолат бўйича барчасидан тушунтириш хати олаётганда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси шахс электор идораси назоратчиларига қаршилиқ кўрсатаётганини маълум қилди.

Кетма-кет ёққан ёмғирдан кейин қишлоқнинг ички тупроқ йўлида юриш анча қийин эди. Лекин Саттор Мўминовнинг «Нива»-сига бу унчалик қийинчилик туғдирмади. Воқеа жойига етиб келганида

Бир гуруҳ одамлар йўл томонга хиёл отган симёғочдан анча нарида уймалашиб туришарди. – Баъзи одамлар ўзбошимчилик билан дуч келган жойда ўра қазини ҳамда йўл четигаги кичик ариқларни қўйиб, девор қилиши натижасида ёмғир суви қўлмакка айланган, мана шундай хунуқ ҳолатга олиб келаяпти. Энди қийшайган симёғочни тўғриламақчи бўлсак, бу ахамки ўрадаги шунча сабзи увол бўлади, бир-икки кун руҳсат беринг, деб тихирлик қилаяпти. Шунга

жиғийрон бўлиб турибмиз, – деди худуд бўйича бозоратчи Шерипбой Қутлимуратов. Профилактика инспектори симёғочга яқин жойдан қазилган ва усти қуриган шох-шаббалар билан қодир кўринишда ёпиб қўйилган ўрага қараб:

– Бу ерда қанча сабзи бор? – деб сўради.

– Олти тоннадан ортик, – деди Латиқбой кўзларини ердан узмай.

– Латиқ сартарош сабзи ўрасини бушата олмай хуноб бўлиб юрибди. Шу кишининг оғирини енгил

қилсангизлар нафақат фойда, балки сабов ҳам олган бўлардингиз, – деди Саттор Мўминов тадбиркор йигитларга қараб.

– Тўй қилаяпман, тезроқ сабзини сотмасам бўлмайди, деб бизга кўнғироқ қилган Латиқбой ака бугун эрталаб уйига борганимизда ўраси ёнига йўллатмади ҳам. Лоақал бир-иккита сабзи курсатинг, сифатли бўлса, бу гал бўлмаска кейинги сафар оламиз деб, роса ялиндик. Аммо кўнмади, – деди Қодир.

Профилактика инспектори улар билан илиқ хайрлашар экан, хаёлини ўғирлаган шубҳа-гумонларга асир бўлиб, Латиқ сартарошни кузатувга олишни режалаштирди. Тун пардаси борлиқни қоплаган пайтда, тирговучга аранг суяниб турган симёғоч ёнида бир шарпа пайда бўлди. У эҳтиёткорлик билан ўрага яқинлашиб, устидаги шох-шаббаларни секин олди-да, қодир ичидан ниманидир базўр ташқарига тортиб чиқарди. Сўнг уни елкасига ортиб, анча наридаги молхона томон тез-тез юриб кетди. Молхона ичидаги янги қазилган ўрага елкасиданги юкни ташламоқчи бўлганида кутилмаганда пайдо бўлган чироқ нуридан кўзлари қамашиб, ўтириб қолди.

– Мақсадингиз жиноятни яшириш экан-да, – деди қатъий оҳангда профилактика инспектори, лейтенант Саттор Мўминов.

– Бола ҳали тирик экан, – кучли ҳаяжондан бақириб юборди унинг орқасида турган Рашид Ҳаққулов. Профилактика инспектори ички ишлар идораси навбатчилик қисмига вазият ҳақида хабар қилди.

– Тўрт қиздан кейин кўрган ёлғиз ўғлим Мухаммаджонни уйлантириш учун тўй тараддудини кўраётган эдик. Кеча қудамниқига бориб, тўй кунини айтиб, ўзимда йўқ хурсанд келаётганим. Биласиз, ҳали қуриманган лой-тупроқ йўлда машинани катта тезликда ҳайда бўлмайди. Лекин кутилмаганда тор кўчадан бир бола югуриб олдимга чиқиб қолди. Қўл-оёғим шалвираб, «Москвич»ни қандай бошқарганимни ҳам билмайман. Мотори

ўчиб қолгандан кейин пастга тушиб қарасам ўнг гилдиракдан бир метрлар ҳамаси нарида бошидан жароҳат олган бола қимир этмай ётибди. Мен қамалиб кетсам, ўғлимнинг тўйи бузилишдан кўрқиб, уни йўқотмоқчи бўлдим. Вақтинча сабзи ўра устига қурилган қодир ичига яшириб, молхонадан чуқур қазий бошладим, афсуски тонггача улгура олмадим. Аксига олиб, симёғочнинг оғиши ишимни охиригача етказиб имконини бермади. Лекин бундан жуда хурсандман, бола тирик қолди, – деб йўғлаб юборди кўрсатма бераётган Латиқ сартарош.

Шифохонада ҳушига келган Мадийёрни кўчоқлаб йўғлаётган Қурбонгулнинг елкасидан охиста ушлаган шифофор аёл:

– Ташвиш тортманг, жиянингизда жиддий асорат йўқ, у қаттиқ кўрққан холос, – деди елкасини силаб. Ўқитувчи Шодия ва психолог Райҳон опалари иштирокида суҳбатга тортилган Мадийёр чиройли форма кийган ва қора папкали амакиларга бироз хайрон бўлиб тикилди-да, уларнинг болаларга хос ҳазил-хузулларида анча дадиллашди.

– Ўртоғимнинг онаси жуда меҳрибон аёл, мен уни худди онамга ўхшатаман, – деди у. – Ўша кунни ҳам мени уйларида яхши кўтиб, мошқичири пишириб бердилар. Кейин ўзлари уйимга олиб келиб, ўрнимга ётқизиб кетдилар. Улар менинг бошимни силаб, ўртоғимнинг ёнида қолишимни сўрагандилар унамадим. Чунки, баъзи-баъзида остимни ҳўллаб қўядиган одатим бор.

– Бозоргул онанг ҳам меҳрибонми? ...

– Қўчага қандай чиқиб қолганингни эслайсаними?

– Ҳа, тушимда кўринган олабужидан кўрқиб, уйғониб кетдим. Сўнг кўшни хонадан келаётган эркак овозини эшитиб, дадам келибдилар, деб қувонганча югуриб ичкарига кирдим. Шунда Бозоргул онам жонҳолатда чинқириб юборди. Яланғоч киши эса менга қараб югурди. Қочиб бораётиб бошимни эшикка қўйиб олдим, қаттиқ оғриса-да, тўхтамадим. Қўчага чиқишим билан машинанинг ўткир нуриларидан кўзим қамашиб, йиқилганимни биламан холос, – деб бола ўтиргандиларга кўз остидан қараб қўйди.

Шундан сўнг Қадам ҳам бўлган воқеани рўй-рост гапириб берди:

– Мен учун ўлимдан ҳам ёмон шармандали қолмабди. Ўзимни асло кечира олмайман. «Узун тунларни ёлғиз ўтказишга қўрқаман, илтимос, бирпас ёнимда қолинг», деб Бозоргул бўйимниқ оқилиши билан борлиқни унутдим. Афсуски, шу жирканч иш охири-оқибат мени бадном қилди. Болани йўқ қилмасангиз, бизни шарманда қилади, деб дод солди. Мен кийиниб чиққунимча у анча узоқлашиб кетган экан. Маҳалланинг асосий ички йўлига еганимда кимдир болани машинасининг юкхонасига жойлаётган эди. Худо мушқулмизни осон қилди, деб орқамга қайтдим. Қилган хиёнатимни яшириш мақсадига уйга боргандан кейин машинани атайлаб бузиб қўйдим.

Ана шу қилмишлари учун тегишли жойда жавоб бераётган кишилар ҳақида қишлоқда анчагача дув-дув гап тарқади. Лекин бу овул оқойишталигига асло путур етказмади.

Дурдйоб ХУДОЙШУКУРОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Жиззах вилояти ИИБ жазони ихро этиш муассасаси бошлиғи, подполковник **Шухрат СОДИҚОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Устозимиз ва ҳамкасбимизга узоқ ҳамда мазмунли умр, мустақам саломатлик, оилавий хотиржамлик, раҳбарлик фаолиятида улкан ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Муассаса шахсий таркиби.

Амалий спорт

ЭПЧИЛЛАР БАҲСИ

Ўзбекистон Ёнғин ўчириш амалий спорти федерациясининг режаси ҳамда республика ИИБ буйруғига мувофиқ жойларда ёнғин ўчириш амалий спорти мусобақалари ўтказилмоқда. Қуйида ана шу ҳақда олинган хабарлар билан таништирамиз.

БУХОРО. Вилоят ИИБ биринчилиги учун ўтказилган мусобақада ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларидан иборат жами 20 та жамоа голиблик учун баҳс олиб борди. Умумжамоа ҳисобиди 7-ЎХӨҚ аъзолари голибликни қўлга киритишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни 1-ЎХӨҚ 2-ЎХӨҚ ва Қоровулбозор тумани ИИБ ЎХӨҚ 9-ЎХӨҚ терма жамоалари эгаллашди. Касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида Шофиркон тумани ИИБ ЎХӨҚ 9-ЎХӨҚ, Қорақўл тумани ИИБ ЎХӨҚ 4-ЎХӨҚ ва Олот тумани ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ терма жамоаси вакиллари голиб деб топилди.



Шахсий биринчиликда 100 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича сафдор Ш. Иброҳимов (2-ЎХӨҚ)га тенг келадигани топилмади. Сафдор С. Шодиев (12-ЎХӨҚ) ҳамда сержант М. Қораев (2-ЎХӨҚ) иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлишди. Касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида Фиждувон тумани ИИБ ЎХӨҚ 2-ЎХӨҚ терма жа-

моаси аъзоси Н. Ҳамроев, Олот тумани ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ терма жамоаси аъзоси А.Итоков ва 8-ЎХӨҚ терма жамоаси аъзоси Ж.Раҳмоновлар кучли ўчиқдан жой олишди. Ишғол қилиш нарвони билан ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш бўйича сафдорлар С.Раҳматов (7-ЎХӨҚ) биринчи, С.Шодиев

НАМАНГАН шахридаги «Динамо» уйингоҳида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича вилоят чемпионати ўтказилди.

Умумжамоа ҳисобиди Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 3-ЎХӨҚ, 2-ЎХӨҚ, Тўрақўрғон тумани ИИБ ЎХӨҚ, Норин тумани ИИБ ЎХӨҚ, Наманган тумани ИИБ ЎХӨҚ терма жамоалари фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичга эришдилар. Шахсий биринчилик баҳсларида Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ радио алоқачиси, сафдор И. Жўрабеков, яна шу қисм ёнғин ўчирувчиси, сафдор А. Тўрғунов, Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 2-ЎХӨҚ ёнғин ўчирувчиси, сафдор Ж. Қодиров, Наманган тумани ИИБ ЎХӨҚ 20-ЎХӨҚ ёнғин ўчирувчиси Д. Тожихамедов ва бошқалар маҳоратли эканлиқларини намойиш этиб, мусобақада голиб бўлдилар.

Ўқув минорасининг тўртинчи қаватини нарвонда ишғол қилиш, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш беллашувларида Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 3-ЎХӨҚ жамоаси рақибларига имконият қолдирмади.

4x100 метрга эстафетали югуришда Тўрақўрғон тумани, жанговар ёйилдиш баҳсида Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 3-ЎХӨҚ терма жамоалари биринчи бўлдилар. Шахсий биринчиликда Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 3-ЎХӨҚ вакили Исроил Жўрабеков шохсупанинг юқори поғонасини эгаллади.

Яқуний натижаларга қўра, ҳар томонлама устунликни қўлдан бермай келган Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 3-ЎХӨҚ терма жамоаси голиб, деб топилди. Тўрақўрғон тумани терма жамоаси вакиллари иккинчи ҳамда Норин тумани жамоаси эса учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросими байрамона түс олди. Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан голиб жамоа – Наманган шаҳар ИИБ ЎХӨҚ 1-ЎХӨҚ 3-ЎХӨҚга «ЗИЛ – 130» русумли ёнғин ўчириш автомашинаси тўхфа этилди.

Н. МИРГИЯЗОВ, кичик сержант. Наманган вилояти.



Суратларда: ёнғин ўчириш амалий спортидан лавҳалар.

Б. РЎЗИЕВ, подполковник.

Болалар спорти



РИНГДА – ЁШЛАР

Спорт – соғлом авлод, соғлом келажак дегандир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюқ ишларга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ.

Жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши, қолаверса, бу борада Давлат дастурининг ҳаётга таъбиқ этилиши улкан ташаббусларга кенг йўл очиб берди, десак муболага бўлмайди. Андижон вилояти Бўз тумани ИИБ ташаббуси билан ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида 1994-1997 йилларда туғилган ёшлар орасида туман ҳокими соғирини учун бокс бўйича очик турнир ўтказилди. «Жинойтчилик ва гиеҳвандликка қарши кураш, ёшларни спортга жалб

этиш» шiori остида ўтказилган мусобақада 380 дан зиёд ёш спортчилар иштирок этишди. Беш кун давом этган мурасосиз жангларда 26 вазн тоифасида голиблар аниқланди.

– Туманда боксини бу даражада яхши ривожланганини тасаввур ҳам қилмагандим. Ушбу турнир ёш чемпионларнинг келажagini белгилаб берди, десам адашмаган бўламан, – дейди турнир меҳмони, Олимпия чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев.

Ғолиблар туман ҳокимлиги, ИИБ ва

прокуратураси, «Маҳалла» хайрия жамағармаси туман бўлими, Болалар спорти ривожлантириш жамағармаси вилоят бўлими ҳамда ҳомиёлар томонидан муносиб тақдирланди.

Ҳақиқий байрамга айланиб кетган мазкур мусобақа келгусида бошқа спорт турлари бўйича ҳам мана шундай хайрли тадбирларни режалаштиришга тўртки бўлди.

Баҳоидир ОМОНУЛЛАЕВ, майор. Андижон вилояти. Суратда: ёш боксчилар рингда.

АҚЛ ЧАРХИ


Газетамизнинг 27 мартдаги 13-сониди берилган машқларга қуйидагилар тўғри жавоб йўллашди: **Ташкент шаҳар ИИББ хузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 2-АМБ 5-отряд ходими, катта сержант Ориф Мамиров, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ИИБ ходими, кичик сержант Мансурбек Раҳимов, ИИБ Академияси ходими, майор Кайрат Каспаев, Ташкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ходими, сафдор Шерзод Бегалиев ва Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, кичик сержант Ҳасан Қурбонбоев.**

Жавоблар қуйидагича:
Икки юриш. 1. Пйёда g4; Шохё5. 2. От h5#. Уч юриш. 1. От d5; Пйёда b5. 2. Фарзин f7; Рух f7 x. 3. От b6#. Навбатдаги машқлар:

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.



Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.



Жавобларнинг 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.

БЕТОЙИМ

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПИБ...

Олий тоифали ҳамшира Сабоҳат Қаландарованинг вилоят ИИБ касалхонасида ишлаётганига кўп вақт бўлгани йўқ, ammo у кўпчиликнинг хурматини қозонган. Беморлар уни «кўли энгил ҳамшира», дея эъзозлашади.

Шофирконнинг Исагоре қишлоғида туғилиб вояга етган қиз орзуи ушалаб, Бухоро тиббиёт билим юртини тугатган, меҳнат фаолиятини туман марказий касалхонасида бошлади. Талабчан, ўз ишини яхши биладиган устози Назира опадан касб сирларини пухта ўрганди. Унинг маслаҳати, кўрсатмаларига қатъий амал қилди. Сабоҳат турмушга чиққач, Бухоро шаҳар касалхонасининг жонлан-тириш бўлимида ишлаш бошлади.

Бу бўлимда ишлаш ҳамшира учун анча оғир. Операцияга қирадиган беморларни тайёрлаш, кейин эса уларни парваришлаш лозим. Сабоҳат Қаландарова бу ердаги ишларни олий тоифали ҳамширалар Малика Шарипова ва Раъно Иноятовалардан кунт билан ўрганди. Ширин сўз ҳамшира кўп ўтмай касалхонада ҳамкасблари орасида ўз ўрнини топди. Олий тоифали ҳамшира даражасига етди.

Малакали ҳамширани вилоят ИИБ касалхонасига ишга таклиф қилишди. Бу ерда бужороликлардан ташқари қашқадарлик ички ишлар ходимлари, фахрийлари ҳам давола-нишади. Муомаласи, одоби, меҳнат-

севарлиги Сабоҳатга янги жамоада кўл келди. У муолажа ҳамшираси сифатида нафақат ҳамкасблари, балки беморлар, айниқса, кексалар меҳрини, эътиборини қозонди.

– Ички ишлар ходимлари, осяйишталик посбонлари дардига шифо бўлишни мен ўзим учун шараф, деб биламан, – дейди у. – Бу билан биз тинчликка хизмат қилаёلمиз. Сабоҳат Қаландарова устоз-муррабийлари, ҳамкасблари, олий тоифали ҳамширалар – Сафия Устакиличева, Мастура Насуллаева, Замира Обидовалар хурматини жойига қўйиб, ҳамон улар тажрибасини ўзига мактаб деб билади. Айни пайтда билганларини ёшларга ўргатишни ҳам қанда қилмайди.

Хамшира оилада фариштали уй бекаси, меҳрибон волида. Турмуш ўртоғи, меъмор-муҳандис Нодир Раҳматов билан икки ўғлини вояга етказмоқда. У ана шундай одамларга, яқинларига кераклигини ҳис этиш бахтини тўғиб яшамокда.

Мухитдин Жўраев, майор, Рўзигул Йўлдошева, ўз муҳбиримиз.

Бухоро вилояти.

Нафиса болаликдан ички ишлар идораси ходими бўлишни орзу қиларди. Орзусига етишиш учун спорт билан мунтазам шуғулланди. Айниқса, шарқ якка кураши унга жуда ёқарди. Андижон давлат университети қошидаги академик лицейда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. Тиришқоқлиги, қобилияти ўз мевасини берди. Нафиса Хидиралиева 2004 йилда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, республика ИИБ Академияси тингловчилари сафига қўшилди.

Академияда ўқув жараёни юқори савида ташкил қилинган бўлиб, таълим чоғида замонавий компьютер техникасидан, илгор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиларди. Тингловчилар дарс пайтида олган назарий билимларини амалиёт ўташ чоғида мустаҳкамлардилар. Айниқса, ҳам чуқур билимга, ҳам бой амалий тажрибага эга бўлган устозларнинг сабоқлари Нафисанинг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Тахсилни якунлаб, мутахассислик дипломини қўлга олган лейтенант Н. Хидиралиева Андижон шаҳар ИИБ терговчисси этиб тайинланди. Бу ерда ҳам унинг устозлар бобида омади чоғида – тергов бўлими бошлиғи, майор Яхё Ибрагимов, бўлим бошлигининг ўринбосари, майор Ботиржон Иминов ва катта терговчи, капитан Шавкат Ҳасанов ёш терговчига соҳнанинг сир-асрорларини, дўржатар устида ишлаш йўл-йўриklarини ўргатишди. Дастлаб унга нисбатан осонроқ жиноят ишларини топширишди. Синов муддати тугаб, муайян амалий кўникма ҳосил қилган, мустақил ишлаш бошлади. Ҳозирда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши, тан жароҳати етказиш, ўғрилик, фирибагарлик билан боғлиқ жиноят ишларини бемалол тергов қила олади.

Масалан, яқинда Э. Ақром исмли йигитга нисбатан тергов ҳаракатларини якунлади. Жиноят ишининг қисқача моҳияти шундан иборатки, 24 ёшли бу йигит пул топишининг гаройиб усулини кашф қилди. Ақром Фарғона водийсида яшаётган қизларга SMS хабарлар жўната бошлади. Улардан айримлари билан танишиб,

хатто учрашди ҳам. Шу ўринда Ақромнинг устозлигига тан бериб керак. У содда қизларнинг ишончига қиради. Кейинроқ уларга муҳаббат изхор қилади, ўзига турмушга чиқишларини сурайди. Фақат ҳозирча тўй қилиш учун

УШАЛГАН ОРЗУЛАР

пули йўқлигини айтади. Қизларнинг айримлари йигитнинг севгиси чинлигига, галлари ростлигига ишониб, раҳми келиб унга қимматбахо тақинчоқларини, уяли телефонларини беришади. Шундан сўнг «шўрлик ош» кўринмай қолади.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги ички ишлар идораларига фирибагарлик найраларида жабр чекканлардан аризалар келиб туша бошлади. Изқувларнинг маҳорати, тезкор саъй-ҳаракатлари туфайли фирибагар қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари чоғида б та ҳолат бўйича рад этиб бўлмади далиллар тўпланди. Айбланувчи жабрдийдаларга қимматбахо тақинчоқларининг бир қисмини қайтарди. Иш судга оширилди.

Нафисахон – истиқлол фарзанди. У мустақиллик йилларида ўсиб-ўлғайди, камолга етди. Шу сабабдан ҳам юртимизда ёшларнинг ўзлигини намоян этишлари, иктидорларини тўла юзага чиқаришлари учун яратилган қулай шарт-шароит-

ларни қадрлайди. Хўр, демократик мамлакатнинг ҳуқуқ-тартибот посбони эканлигини билган қаноатли қолмоқчи эмас. Яқин орада суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш бошлаш ниятида.

– Лейтенант Н. Хидиралиева ҳали хизмат фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаганига қарамай ташаббускорлигини, ўз ишини яхши билишини кўрсата олди. Яқинда аёл ходимларимиз ўртасида кўпқураш бўйича ўтказилган мусобақаларда фахрли биринчи ўринни эгаллади. Китоб мутолаа қилишни, адабиёт ва санъатни севади. Ҳамкасблари ўртасида муносиб ҳурмат-эътибор қозонган, – дейди Андижон шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Зухридин Имомов.

Нафиса асли Марҳамат туманининг Қўрғонча қишлоғида туғилган. Отаси Ёқубжон ака бир умр мактабда ўқитувчилик қилган. Пенсияга чиққач, умр йўлдоши Ҳалима опа билан биргаликда пахта, галла, мева-сабзавот етиштиришади. Демокримизки, қаҳрамонимиз меҳнатқаш оилада ўсиб-ўлғайган. Шунинг учун ҳам меҳнат қилишдан, қийинчиликлардан қўчийди. Шундай экан, янги орзулари ҳам рўёбга чиқиши шубҳасиз.

Борис КЛЕЙМАН, ўз муҳбиримиз.

Суратда: Андижон шаҳар ИИБ терговчисси, лейтенант Нафиса Хидиралиева. Раҳмонжон ЎЛТАСОВ олган сурат. Андижон вилояти.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Хафтанинг биринчи ярмида молиявий масалаларни ҳал этишда ўзига хос йўналиш пайдо бўлиши мумкин. Бундан унумли фойдаланиш лозим. Хафтанинг иккинчи ярми эса зарур ҳаридлар учун қулай келади. Дуслар билан мулоқот қилишга ҳам вақт топилган. Аммо улар билан молиявий масалалар хусусида суҳбатлашмаган маъқул. Даромад, ҳаракатларнинг сирлигига қолгани яхши.

СИГИР. Юлдузлар хафтанинг биринчи ярми дунёқарашни кенгайтириш, билим ва маҳоратни ошириш учун қулай келишидан дарак берапти. Илмий фаолиятда, тажриба, тадқиқот ўтказишда ҳам омадли бўлиши кўтилмоқда. Хафтанинг иккинчи ярмида дуслар, ҳамфирқлар доираси кенгайтириш мумкин. Атрофдагиларнинг сизга бўлган ишончи орттиришга истагангиз барчага самимий муносабатда бўлишни маслаҳат берамиз.

ЭГИЗАКЛАР. Хафтанинг биринчи ярмида ўзгаларнинг сирини аниқлаш бўлиш имконияти тўғилиши мумкин. Зеро, сиз буни истар экангиз, ҳаракат қилиб, мақсадга эришишингиз ўзингизга боғлиқ. Хафтанинг иккинчи ярмида кўпроқ дам олиш, ҳордиқ чиқариб, куч-қувват тўплашга ҳаракат қилинган. Бу саломатлиқни сақлашда асосқатда. Тадқиқот ишларида катнашинг, омад қилиб боқиши кутиляпти.

ҚИСКИЧБАҚА. Турмуш ўртоғингиз билан биргаликда, баъзан маслаҳат қилинган иш мумкин аҳаияти касб этиши мумкин. Бўйдоқлар ўз жўфларини топишлари учун қулай ҳафта бўлиши кутиляпти. Мухим, жиддий қарорга келишдан аввал «Етти ўлчаб, бир кес» мақолига амал қилишни маслаҳат берамиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам имкониятни чамалаб олган яхши.

АРСЛОН. Касбий маҳорат ва иктидорингизни намоян этишга хафтанинг биринчи ярмида киришган маъқул. Мақсадга эришишда яқинлар қўмағига таяниб, уларнинг маслаҳати билан иш тутиш ва дадил ҳаракат қилиш лозим бўлади. Жиддий қарорлар қабул қилиш билан ҳаётингизда айрим ўзгаришларга эришиш мумкин. Хафтанинг иккинчи ярми жўфтингиз билан бирга билим олишга, тажриба ортиришга қулай бўлиши кутиляпти.

БОШОҚ. Юлдузлар бу хафтани кўп жиҳатдан омадли бўлишидан дарак берапти. Фан, ижод билан шуғулланувчилар кўзлаган мақсадга эришиш имкониятига эга бўлиши кўтилмоқда. Саёҳатларга чиқиш ҳам мумкин бўлади. Хафтанинг иккинчи ярмида қийин ишни бажариш, мураккаб масалани ечиш масъулияти юклиниши эҳтимолдан холи эмас. Шахсий муносабатларни мустаҳкамлашга, яхшилашга эътибор бериш лозим.

ТАРОЗИ. Хафтанинг биринчи ярми кўчмас мулк, солиқ, мерос масалаларини ҳал этишга қулай бўлади. Хафтанинг иккинчи ярми анча фаол ҳаракат қилишни талаб этади. Қийин, масъулиятли вазифаларни бажаришга тўғри келади. Турли урғувлар, танишувлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Саломатлиқни сақлаш, мустаҳкамлаш тадбирларини кўринг.

ЧАЁН. Шахсий муносабатлардаги ҳар қандай муаммони дадил ҳал этиш лозим бўлади. Кўп масалани муқоама этиш, ягона қарорга келиш қийин кенсанда, ортга қайтмаслик керак. Хафтанинг иккинчи ярми саргузаштларга бой бўлиши кўтилмоқда. Бахт суруридан баҳра олишга эришасиз. Истикболли режалар тузиш, уларни амалга ошириш имконияти ҳам тўғилди. Уй-рўзгор юмушларини бажаришга вақт ажратинг.

ЁЙ. Хафтанинг биринчи ярмида парҳез қилишни бошлаш маслаҳат берилади. Шифокор, табиблар тавсиясига риоя этиб, даволаниш тартибини бузмасликка ҳаракат қилинган. Хафтанинг иккинчи ярмини уй-рўзгор ишларига ажратиш маъқул. Таъмирлаш, тозалаш, саранжомлаш ишларини бажариш учун қулай бўлади. Янги танишувлар учун имкон бўлиши кўтилмоқда.

ТОҒ ЭКИСИ. Ижодда иктидорингизни намоян этиш учун қулай ҳафта бўлиши мумкин. Ижодни энди бошлаганлар учун ҳам омад қилиб боқадилар. Хафтанинг иккинчи ярмида янги дўст, танишлар орттиришга эҳтимолдан холи эмас. Кўчмас мулк, зарур нарсаларни харид қилиш учун омад қилиб боқадилар. Оила даврасида дам олишни ёддан чиқарманг.

КОВҒА. Хафтанинг биринчи ярмида уйингизда яхши руҳий ҳолатни яратишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун оила аъзолари, ота-она, қариндошлар билан муносабатни янада яхшилаш лозим бўлади. Дам олиш, ҳордиқ чиқаришга ҳам вақт ажратилиши маслаҳат берамиз. Хафтанинг иккинчи ярмида қисқа саёҳатга чиқиш, табиат қўйнида дам олиш мумкин. Қўдий масалаларни ҳал этишга киришишни эслатиб қўямиз.

БАЛИК. Юлдузлар хафтанинг биринчи ярмида дуслар билан мулоқотлар бўлишидан дарак берапти. Бунда кўпроқ улар ташаббус кўрсатади. Нотаниш кишилар ҳам сизга яқинлашишга ҳаракат қилади. Табиат қўйнида дам олиш, саёҳатга чиқиш, ишибармон шериклар билан учрашишингиз мумкин. Молиявий масалаларни ҳал этишга киришингиз, аммо уни ошкор этмасликни маслаҳат берамиз.

УСТОЗЛАР ИШОНЧИН ОҚЛАЁТГАН ШАҲНОЗА



ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-371) 233-22-33
Қорақалпоғистон Республикаси	(8-371) 233-39-39
Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар ИИББ	(8-361) 222-56-76
Андижон вилояти ИИБ	(8-371) 232-03-30
Бухоро вилояти ИИБ	(8-374) 224-87-50
Жиззах вилояти ИИБ	(8-365) 224-64-86
Навоий вилояти ИИБ	(8-372) 226-03-02
Наманган вилояти ИИБ	(8-436) 223-06-71
Самарқанд вилояти ИИБ	(8-369) 226-60-55
Сирдарё вилояти ИИБ	(8-366) 233-00-00
Сурхондарё вилояти ИИБ	(8-367) 225-33-30
Тошкент вилояти ИИБ	(8-376) 227-25-51
Фарғона вилояти ИИБ	(8-371) 264-18-32
Хоразм вилояти ИИБ	(8-373) 224-29-08
Қашқадарё вилояти ИИБ	(8-362) 224-32-16
Транспорт ИИБ	(8-375) 221-82-45
ИИБ ҳузурдаги «Кўриқлаш» бирлашмаси	(8-371) 252-61-39
	(8-371) 236-23-70

DIQQAT, TEST!

TARIX FANIDAN TESTLAR

(Davomi. Boshlanishi o'tgan sonlarda).

246. Ea – bu...?
 a) oy xudosi
 b) quyosh xudosi
 c) urush va g'alaba ilohasi
 d) suv xudosi
247. Kim oily hakam hisoblangan, yomon ishlar uchun odamlarni sud qilgan?
 a) Ishtar
 b) Sina
 c) Ea
 d) Shamash
248. Qaysi xudo ikki yuzli bo'lgan?
 a) Ishtar
 b) Sina
 c) Ea
 d) Shamash
249. Mesopotamiyada zikkuratlar nimalardan terib chiqilgan?
 a) xom g'ishtdan
 b) toshdan
 c) pishgan g'ishtdan
 d) tuproqdan
250. Bundan 5000 yil muqaddam Shumer davlatlar ichida eng qudratlisi qaysi davlat bo'lgan?
 a) Uruk
 b) Umma
 c) Ur
 d) Lagash
251. Mil. a. avv. III mingyillikda Shumer davlatlar ichida eng qudratlisi qaysi davlat bo'lgan?
 a) Uruk
 b) Umma
 c) Ur
 d) Lagash
252. Mil. avv. III mingyillik o'rtalarida qaysi davlat Shumer va Akkadning ko'pgina shaharlarini bosib oldi?
 a) Uruk
 b) Umma
 c) Ur
 d) Lagash
253. Gilgamesh qaysi shahar podshosi edi?
 a) Uruk
 b) Umma
 c) Ur
 d) Lagash
254. Gilgameshning do'sti kim bo'lgan?
 a) Enkidu
 b) Sargon I
 c) Tutmos II
 d) Yaxmos
255. Kim barcha shaharlar uchun yagona bo'lgan uzunlik, maydon va og'irlik o'lchovini joriy etdi?
 a) Enkidu
 b) Sargon I
 c) Gilgamesh
 d) Yaxmos
256. Kim birinchi bo'lib muntazam qo'shin yaratdi va bu qo'shin necha nafar jangchidan iborat?
 a) Enkidu; 5000
 b) Sargon I; 5400
 c) Gilgamesh; 6000
 d) Yaxmos; 6400
257. Kim birinchi bo'lib muntazam qo'shin yaratdi va bu qo'shin necha nafar jangchidan iborat?
 a) Enkidu; 5000
 b) Sargon I; 5400
 c) Gilgamesh; 6000
 d) Yaxmos; 6400

AWALGI SONDA BERILGAN TEST SAVOLLARINING JAVOBLARI:
 226 - b, 227 - b, 228 - b, 229 - b, 230 - b, 231 - d, 232 - a, 233 - b, 234 - d, 235 - c, 236 - c, 237 - b, 238 - a, 239 - c, 240 - a, 241 - d, 242 - a, 243 - b, 244 - a, 245 - c.

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
 Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.
 «O'zbekiston» nashriyat-onatbaa ijodiy uy boshqarmasida chop etildi. Korxonalar manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
 Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-9261. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 62247 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.
MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.